

Marifat

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 7 НОЯБРЬ, ШАНБА

№ 92 (6588).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Бугун Республикаимиз пойтахти — Тошкентда яна битта ҳиббон бунёд этилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исмоил Каримовнинг қатта савъ-ҳаракатлари туфайли юрт отасининг номи ва обрўи яна халққа қайтариб берилди миллионлаб инсонлар қалбига армон бўлиб келган арзунинг ушалганлигидан далолат бўлди.

Ҳа, Шароф Рашидов ўз даврининг олижаноб кишиларидан бири эди. Жумхуриятимиздаги қўлаб ўзгаришлар, техник тараққиётнинг юксалиши, иқтисодий ва моддий силжишлар, халқаро ҳамдўстлик ва байналмилалчилик — буларнинг барча-барчаси унинг номи билан боғланиб кетди, дейилганда, хато бўлмас керак.

Кунин кеча Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан бундан тўққиз йил илгари у дафн этилган қабр ўрнида — ҳозирги Шароф Рашидов кўчасидаги шу номли ҳиббонда унинг хотира-сига ўрнатилган ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Адҳам Фозилбеков очиб, Ш. Рашидов билан боғлиқ бўлган улкан ишлар ҳусусида қўлаб мисоллар келтирди.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ҳайкал устидаги чойшабни оҳиста туширди.

Маросимда сўзга чиққанлар, Ш. Рашидовнинг онла аъзолари у қилган ишлар, Ўзбекистоннинг номини жаҳон миёнасида олиб чиқишда унинг қўлган алоҳида ҳисса ҳусусида фахр билан гапирди.

Шунингдек, митингга Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг раҳбарлари, шoir ва ёзувчилар, вилоятлардан келган қўлаб меҳмонлар иштирок этдилар.

СУРАТДА: Шароф Рашидов ҳайкалининг очилиш маросими.

В. МОЛГАЧЕВ,
Е. БОТИРОВлар олган сурат.



ОЛМАОТАДА УЧРАШУВ

Тожикистондаги аҳволни шоянлик равишда муҳокама қилиш, қирғини тўхтатиш юзасидан аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқиш учун Олмаотага йирилган давлат бошлқларининг учрашуви тез тугаган бўлса ҳам, жуда самарали бўлди.

Бу учрашув 4 ноябрь кунин Олатав атиадидаги Ҳукумат биносида бўлди. У Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Қозғистон Президенти Н. А. Назарбо-

ев, Қирғизистон Президенти А. А. Ақаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири А. В. Козрев ва Тожикистон Республикасининг Президенти вазифасини икром этувчи А. И. Исқандаров қатнашдилар. (ЎзА).

ОЛМАОТА учрашуви қатнашчилари Тожикистонда вужудга келган Бухорли вазирадани низоҳатда ташвишланиётганликларини низоҳат этиб ҳамда учрашувда қатнашган Тожикистон Республикасининг Президенти вазифасини бажарувчи, Тожикистон Олий Кенгаши Раиси А. И. Исқандаровнинг бир неча бор қилган мурожаатини эътиборга олиб, Тожикистон халқи миллий ҳалокат ёқасида турганлигини билдирадилар. Тожики давлатининг яшашни ҳавф остида турибди. Давом этаётган қуролли мурожаат аслида тўла миқёсда фуқаролар урушига айланмоқда. Қон тўқилмоқда, қуроллар сони кун сайин ортиб бормоқда, қочқонлар оқими кўпаймоқда. Тожикистон ўз уйи бўлиб қолган турли миллатларга мансуб ўн минглаб фуқаролар бу ерда жон сақлашларига ишонмай уни тарк этмоқдалар.

Шунинг айтиш керакки, Тожикистондаги вазият тўла тўқис назоратдан чиқиб кетиши мумкин, биродаркушилик уруши алангаси ўрта Осиё минтақасидаги ва унга чегарадош давлатлардаги ҳавфсизлик ва барқарорликка ҳавф солмоқда.

Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия Тожикистоннинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайдилар. Тожикистон билан халқларимизни дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамнинг узилмас тарихий ришталари боғлаб турибди. Бу ришталар тожики халқига ўз диверди тинчлик ва ҳуқуқ-

ЭЗГУ ИШЛАР ЮРТНИ ЯШНАТАР

ЕШ ВАТАНДОШЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИДАН ҚАЙДЛАР

«Дунёнинг турли минтақаларда яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви мустақил Ўзбекистон равақи йўлида хизмат қилишга, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонаман». Серқуёш мамлакатимиз пойтахтидаги Алишер Навоий номи катта академик театрда ёш ватандошларнинг халқаро анжумани, очилишига бағишланган йиғилишда ўқиб эшиттирилган Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовнинг табридаги бу сатрлар уч кундан бери давом этаётган анжуман қатнашчилари билан учрашувларнинг мақсади ва мазмунини мухассас қилган, десам янглишмайман. Зотан, бугунги кунда истиқлолга юз тутган ватанимизни кўриш, она-юртда ижодкорлик ва бунёдкорлик билан яшаётган қон-қардошлар билан учрашиш, мамлакат равақи йўлида эзгу ниётларини рўёбга чиқариш учун меҳнат қилаётган тендошларнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш, Ўзбекистон кадриятлар, одоб ва ахлоқ, меҳмоннавозлик, ҳурмат ва эъзоз, самимий мулоқотлар — буларнинг ҳаммаси ҳақмаса чет эллардан ташриф буюрган ёш ватандошларни хайратга солгани ҳам, ҳаяжонлантиргани ҳам, қалбларидан чексиз муҳаббатни булоқдан жўштиргани ҳам рост, ва ҳақиқат!

Ҳозирги иқтисодий тағлик шaroитини бошдан кечириётган Ўзбекистонда ёшларнинг бундай ажойиб дийдорлашувини ташкил қилишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бироқ жаҳоннинг турли мамлакатларида ватан соғинчи билан йиллар давомида яшаётган қондошларимизнинг орасини рўёбга чиқариш, юртга, элга бўлган меҳр-муҳаббат ришталарини узилмас қилиб

боғлаш Ватанини гуллаб-яштатишининг, мустақиллигини мустаҳкамлашининг, Ўзбекистоннинг доврагини жаҳонга ёйишининг асосларидан биридир. Шунинг учун ҳам Республика Президенти, Ҳукумати Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг анжумани ўтказиш тўғрисидаги гоёсини қизгин қўллаб-қувватлади ва раҳнамоллик қилди.

— Анжумани тайёрлаш ва ўтказишга Маданият ва умуминсоний кадриятлар халқ академияси, «Ўзбекистон — Америка Маданият ва савдо корпорацияси» ҳам ҳомийлик қилдилар. Ташкилий ишларда, айниқса, чет эллардаги ватандошларнинг Ўзбекистонга таклиф қилишда Республика Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл» халқаро уюшмаси яқиндан кўмаклашдилар. Умуман, мустақил давлатимиз раҳбариятининг катта эътибори ва ёрдами туфайли тарихий воқеа — ёш ватандошларнинг биринчи халқаро анжумани бўлиб ўтаётди, — дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Адҳам Ораимов.

Ҳа, анжуман руҳи чет эллардан келган ёш ватандошлар Тошкент аэропортига келиб қўнган самолётларнинг пиллаполярлариданоқ бошланди, десак хато қилмаймиз. Қўзларда эътирилади, одамийлик, дилларда ҳаяжон — ватан туйғуси! Ҳар бир ватандошнинг қучоқ очиб қучишлар,

қўзларига гулдасталар тунтишлар, қарнай-сурнай, мусиқа садолари, ўйин-кулгилар, қўзлардаги шодлик, меҳрий интиқлик, дўстона оқлишлар — буларнинг ҳамма-ҳаммаси ётсираш ва беғоналик ҳисларини бир зумдаёқ тарк этди кишида. Бейхитёр қалбдан садо келди: «Ассалом, ватандош, меҳрибон қондош!»

— Бизни Тошкентда бунчалар қувонч ва шодиена билан кутиб олинишини ҳаёлимизга ҳам келтирмагандим. Ростини айтсам, ўзбекистонликлар бизга ётсираш билан қарашади, деб ҳам ўйлагандим. Аъсинча, биринчи бор учрашишимизга қарамай, кадрдонларча, ёрбодарларча мулоқотда бўлишимиз. Ватандош кадр-ийматини чинакам англагандек бўлдим, — дейди Бельгиядан келган талаба Хулқар ўқиди.

Дийдорлашувларнинг дастлабки кунийё анжуман қатнашчиларининг бир гуруҳи Тошкент давлат дорилфунунида бўлишди. Ўзбекистонда янги давр олий таълимнинг бешикларидан бўлган бу илм-маърифат даргоҳи халқ ҳўжалиги учун минг-минглаб мутахассисларни тайёрлаб бергани, бу ерда чет эл ишлари ҳам тахсил олаётгани, талабаларнинг ўқини, турмуш тарзи ҳақидаги таассуротлар ёш ватандошларни беҳад қувонтирди, албатта. Улар Тошкентдаги Техника ва Кишлоқ ҳўжалиги дорилфу-

нунларида ҳам бўлганларида Ўзбекистонда ёшларнинг таълим олиши учун катта гамхўрликлар яратилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Чет эллардан келган ватандошлар Тошкент метросини томоша қилишди. «Қиёрай» лимон етиштириш жамоа ҳўжалигида, «Узпластитал» кўшма корхонасида, «Орзу» чарм-атторлик ва «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирилмаларида бўлишди, ёш меҳнаткашларнинг эл-юрт бойлигини ошириш йўлидаги самарали ижодий меҳнат жаваблари билан танишдилар.

Ёш ватандошлар халқаро анжумани қатнашчиларининг ватан тарихи, кадриятларига ҳурмат ва эҳтиромли, улар билан танишуви Алишер Навоий ҳайкали пойнта гуллар қўйишдан бошланди, десам янглишмайман. Тошкентдаги мулазей кўрғазмалари меҳмонларнинг мезгилта саёхатининг дебосмас бўлган бўлишига, 4 ноябрь эрталаб Ёшлар уйда уларга тортилган ош ва тўқин дастурхон ўзбекистон меҳмоннавозлигининг намунаси бўлди. Шундан сўнг анжуман қатнашчилари қадимий ва навқирон шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорога йўл олдилар.

Регистон маймони, Шоҳизинда ансамбли, Гўри Амр мақбараси, Улуғбек обсерваторияси — буларнинг ҳамма-ҳаммаси Ватанининг

фан ва маданият тарихини боболарнинг буюк яратувчилик ижодкорлигини мухассас этган. Самарқанд ва Бухоро ўтмиши билангина эмас, бугунги ва эртаси билан ҳам жаҳонга танилган ётир. Бу ердаги ишлаб чиқариш корхоналари тайёрлаётган кўпгина махсулотлар чет элларда ҳам машхур. Меҳмонлар ишчи жамоалар меҳнати билан танишган «Сино» ақционерлик бирилмаси, чини заводи, зардўзлик фабрикаси ана шундай корхоналардандир.

— Ватан бутун борлиги билан кўз олдимизда намоён бўлапти, — дейди АНШдан ташриф буюрган ёш ватандошимиз Камол Бобожўрбон. — Ўтмиш аждоғларимиз қолдирган замонавий бойлиқларнинг ҳамма-ҳаммаси нафақат фахрланарга, балки бутунни келажак билан боғлашга ҳам хизмат қилади, ҳар бир ватандошни уни асраб-авайлашга, бойитишга, ақил-идроқини, меҳнатини она-юрт истибболга бағишлашга ундайди.

Ҳа, Саудия Арабистонидан келган миллатдошимиз Вали Муҳаммад таъкидлагандек, Ўзбекистон билан дийдорлашуви кўпчиликда юртга, элга меҳр-муҳаббатни оширибгина қолмай, шу ватан мустақиллиги йўлида тижорат ишлари билан ҳам, ишбилармонлик билан ҳам миллатга хизмат қилиш, шу тупроқда яшаш, шу элдошлар билан ҳамкор ва ҳамдард бўлиш истаklarини тугдирмоқда. Зотан, назаримда, ёш ватандошлар халқаро учрашувининг мақсади ҳам ана шундир. Эзгу ишларини юртни яшнатади, унга бўлган меҳр-муҳаббатини булоқдек жўш урдиради.

М. РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

Муаллим таклиф қилади ИСТЕЪДОД ҲИМОЯЛАНИШИ КЕРАК

Биз мактабда ўқувчиларга илм ўргатиш учун яратган шароитларимизга бир назар солайлик. Ҳар бир ишнинг ҳам натижаси — унга бериладиган иш ҳақи сингари, ўқувчининг илм ўрганиши, унинг меҳнати, унга қўйилган баҳо эса — меҳнатига берилган ҳақдир, Шундай экан, таҳлил қилайлик-чи: синфда 30 ўқувчи бор, ҳар бир ўқувчининг қобилияти ҳар хил, фанларни ўзлаштириш даражаси бир-бирдан фарқ қилади, аммо ўқитувчида ўқувчиларнинг меҳнатини баҳолаш учун бор-йўғи ишлатадиган учта: «3», «4», «5» баҳолари бор. (Ҳаётда «1» ва «2» баҳолари ишлатмаймиз, десак ҳам бўлади). Шундай экан, муаллим ўқувчи меҳнатини қандай қилиб объектив баҳолай олади.

Муаллимларга яна бир нарса маълумки, синф ўқувчиларининг яримдан кўпроги 5—6-синфларгача берилган режадаги мавзуларни ўзлаштира олади, лекин 7—8-синфлардан бошлаб математика, физика, кимё, чизмачилик, жуғрофия, рус тили каби фанларнинг дастурдаги мавзуларининг аксариятини синф ўқувчиларининг 5—6 нафари ту-

шунади, ундаги машқ ва топшириқларни шулар бажаради, холос. Хўш, шундай экан, қолган ўқувчиларнинг ҳоли не кечмоқда, улар нима билан машғул? Уларнинг 10—12 нафари дастурдаги мавзуларни қисман тушунади. Қолган 13—15 ўқувчининг ярим, яъни 6—7 нафари табиатан оғир, босиқ бўлгани учун дарсда жим ўтирса, бошқаларнинг илм олишига ҳалақат бермас, иккинчи ярим, яъни 6—7 нафари дарсда жим ўтирмайди, аниқроғи, ўтиролмайди, дарс ўтишга ҳалақат беради.

Назаримда, биз мактабларда ўқитишни табақалаштиришга тезроқ ўттишимиз лозимга ўхшайди. Бу масалани синфлари биттадан бўлган мактабларда амалга ошириш учун қўшимча маблаг талаб этилади, аммо паралель бир нечта синфлари бўлган мактабларда қўшимча маблаг ҳаражат қилмай, бунини амалга оширса бўлади. Масалан, мактабда 3 та паралель бешинчи синф бор. Ўқув йили бошланишида шу 3 та синф ўқувчиларининг истеъдодли ўқувчиларини бир синфга, ўрта ўзлаштирувчи

ўқувчиларини иккинчи синфга, қолган бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларни учинчи синфга жамланади. Табиийки, улардаги ўқувчилар сони тенг бўлмайди (масалан, истеъдодли синфда 24, ўрта ўзлаштирувчи синфда 36, бўш ўзлаштирувчи синфда 29 ўқувчи бўлиши мумкин).

Барча синфлар бир хил дастурда таълим олишади, лекин истеъдодли ўқувчилар синфи мавзуларини кенг ва чуқур ўрганади, берилган барча машқ ва топшириқларни бажаради. Бу синф ўқувчилари ҳам йил охирига бориб аълочилар, яхшилар ва ўрталарга бўлинади. Келаси йили ўрталар ўрта ўзлаштирувчи синфга кўчирилади. Ўрта ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг синфиди мавзулар ўртача эғирликда тушунирилади, машқ ва топшириқларнинг ўртача мураккаблидагилари бажарилади. Йил охирида улар ҳам аълочилар, яхшилар, ўрталар ва ўзлаштирмовчиларга бўлинади.

Истеъдодли ўқувчилар бир-бировлари билан илм ўрганишда бахслашиб, беллашиб, кун сайин билимларини ошириб борадилар. Шу синфда ўтказилган дарслар савияси жуда юқори бўлади. Бу синфда ҳар бир дақиқа унумли кечадди. Ўқувчиларга қўнм билан илм ўрганишлари учун имконият яратилади.

К. РАҲМОНОВ,
Нурота шахридаги 1-мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори.

Қозғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг Тожикистон Республикасидаги аҳвол тўғрисида ҚЎШМА БАЁНОТИ

Шунинг айтиш керакки, Тожикистондаги вазият тўла тўқис назоратдан чиқиб кетиши мумкин, биродаркушилик уруши алангаси ўрта Осиё минтақасидаги ва унга чегарадош давлатлардаги ҳавфсизлик ва барқарорликка ҳавф солмоқда.

Тожикистонга келаятган одамийлик ёрдамини тақсимлаш мувофиқлаштириш учун Душанбега юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

МУШТАРИЛАР ДИҚКАТИГА!
«**Маърифат**»
1993 йил учун
ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?
ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА УҚШ ЖОЯЛАРИДА ЖАМОАТЧИ-МАТ-БУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕК-ЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ,
ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.



МАЪРИФАТ



ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

УСТОЗ

Азиз дўстим, хурматда бўл устозингдан ўзганда ҳам, Илминг ошиб, иқбол қулиб, омад гуллар тизганда ҳам.

Шоҳу гадо билан битта лаганда ош еганда ҳам, Мағрурланма, алқаб сени «алломасиз» деганда ҳам.

Жаҳонгир шоҳ улуг бобонг Темурлангдан ибрат олгин, Устозинг бошга қўйган, Навоийга қулоқ солгин:

«Хақ йўлида ким сenga бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила...».

Дур-гавҳардан ортиқ эрур одил шоғирд устозига, Устозинг қадрин билган лойиқдир эл эъзозига.

Ким тош отса устозига, бўлғай бадном ўлганда ҳам, Қуёш сўямас, ҳаёт тинмас, кўзга тупроқ тўлганда ҳам.

Ою йиллар келиб-кетар, ўчагайдир устоз нури, Бахти бекам устозинг фахри-ла банд дил гузури...
Раҳимжон УСМОНОВ.

Валининг туғилган кунда ҳамма ҳар хил соғва берди. Кимдир ўйинчоқ, кимдир шахмат. Шавакат амаки эса тў сатдан келиб қолгани учун, қуруқ келдим, деб узр сўради-да, битта қизил ўн сўмлик пул чиқарди.

— Бу сenga, оғайничалиш! — деди у пулни Валининг дўпписи тагига қистирар экан.

Ҳамма тарқалгач Вали онасини саволга тутди. Ойи, бу пулга қанча музқаймоқ беради! Нечта шар, неча фонар, неча дурбин олса бўлади, деб сўради. Ҳаммасини билиб олгач, хурсанд бўлиб кетди. Хурсанд бўлмасини, шунча пулни у умрида кўлида ушлаб кўрмаган. Ҳозир ҳаммадан бош Валининг ўзи. Синф дошларининг ҳеч қайсисиди

ҚИЗИЛ ПУЛ

Ковсар ТУРДИЕВА

шунча пул бўлмаса керак.

— Ойи, эртага мен сиз билан бозорга бораман. Менга «Болалар дунёси» магазинидан дурбин олиб берасиз.

Онаси рози бўлиб бошини силкипти.

Эртасига Вали онаси билан бозорга отланди. Ҳамма харидни қилиб бўлгач, «Болалар дунёсига» ҳам киришди. Аксини олиб дурбин тамом бўлиб қолган экан. Келаси сафар келганингизда бўлади, — деди сотувчи.

Қайтишларида онаси ҳамма-нини тита бошлади.

— Валижон, болам, пулим қолмабди-ку, автобусга сенинг ўн сўмлингни майдалай қолайлик, уйда пулингни қайтариб бераман сenga.

— Йўқ, йўқ, йўқ! — Вали худди онаси пулни олиб қўётгандек иккала қўли билан чўнтагини қисиб олди-да, орқасига тисарила бошлади.

— Бу менинг пулим, бу менинг пулим! Шавакат амаки менга ташлаб кетган бу пулни, сизга эмас!

— Ҳали ҳам сенинг пулинг. Фақат хозирча бериб тур, дедилан. Жон болам, юкинмиз оғир. Уйга пиёда боргунча чарчаб қоламан. Кун иссиқ, қайтариб бераман дегилман-ку сenga.

Вали бирдан пулни маҳкамроқ қисди-да, қочиб кетди. Қочиб кета туриб онасининг ҳайрон қолган кўзларига қараб қолди.

— Майли, кела қол! — пиёда борамиз. Пулингни майдаламаймиз.

Қуёш ҳам, худди атайлаб қилгандай, қаттиқ қиздирарди.

— Бошимдан иссиқ ўтиб кетяпти! — бақирди Вали. — Ана у дарах тагига бирилас ўтирайлик-чи.

Онаси бир уф тортиб тўрхалталарни ерга қўйди. Оғир

юк зарбидан қизариб, из бўлиб қолган кўзларини ёзди-да, бир-бирига ишқалади. Онаси ҳеч ҳам гапирмади. Уйга боргунча индамасдан борди.

Уйга боргач эса ётиб қолди.

— Ие, шунча юк билан пиёда келдингизми, онаси! — ҳайрон қолди Валининг дедаси. — Автобусга чиқсангиз бўлмасмиди?

Вали, ҳозир айтиб беради, деб онасига қараган эди, йўқ, айтмади. Фақат бошини бойлаб олиб кечганга туролмай ётди. Вали онасига қандай ёрдам беришни билмади.

Унга нима деб тасалли беришни ҳам. Ахир ҳаммасига шу қизил пули, йўқ, ўзи айбдор эди. Мана энди онасининг боши оғриб қолди. Вали нима қиларини билмай, уйларининг ёнидаги дорихонага югурди...

— Амаки, мана шу пулга бош оғрини қолдирувчи дори берасизми?

— Бераман, ўғлим, бераман! Мана, ол! — у дорини узатди-ю, қайтишини бериш учун айланган эди, Вали дорини шартта олиб, эшик томон отилди.

— Тўхта, болакай, қайтишини олмайсанми!

— Мен... менга керак эмас. Мана шу пул кўзимга ёмон қўриниб кетяпти! — дедидю, дорини олиб дорихонадан югуриб чиқиб кетди.

Ошиқ ЭРКИН

МЕҲРИНГНИНГ БИР УЧҚУНИ

Меҳрининг бир учқуни келиб қонга тушубдур, Қонини демайин, азбаройи жонга тушубдур.

Бир оху каби талвас этар жону жаҳонини, Гафлатда қолиб, андоқким, қонқонга тушубдур.

Йўқ, юз демайин, минг демайин, юз минг войким, Кўнглим бу реча жон кечиб, жонига тушубдур.

Ўт чинди танимдин юзига кўрганам онда, Чуи икки кўзини кўзлари чулпонга тушубдур.

Оромни ўғирланди дилим, шафақ висолнинг Шавқини тилаб нолаю афғонга тушубдур.

Ҳайрат камарин белга борлаб Ошиқ Эркин Маҳвалга етиш йўлида жавлонга тушубдур.

...

Боғ сайрга гул-гул очилди чирмаси жоним, Жоним чиқаду, йўқ бунга заррача гумоним.

Кўрганда куяр ҳуснини гулчехра қуёш ҳам, Гул чехрасидин ўт сочар ул хуршид раҳшоним.

Гулларни кўринг: тик боқа олмай уялурлар, Лолага дунар ҳиммат ила бир боқса хоним.

Қуйган билур, куюк ўтин озори ёмондур, Суйканса ёмон панд берар озори ёмоним.

Ҳажрида онинг неча бағир қон бўлибдур, Дод этди мен ҳам неча қотиб бағрида қоним.

Озорини тоқат билдирдинг, Ошиқ Эркин, Жон топди жафосидин унинг озурдажоним.

Тонг сеҳрига йўғрилган Бебаҳо маҳинқодан.

Ошиқ Эркин бахтига, Жоним, минг йил омон бўл.

Нафас олиб юрсам бас Сен бирла бир ҳаводан.

ЖОН ҚАДАР

Мен сени ардоқлагайман жон қадар, Неки жон, жисмин аро иймон қадар.

Бошим узра даст кўтарай бир умр, Фахр этиб, яйраб-қулиб виждон қадар.

Сен менинг севгимни осмон айласанг, Мен сenga меҳрин қилай уймон қадар.

Жисми-жоним ёқ мени офтоб бўлиб, Нурга чулғай мен сени раҳшон қадар.

Сен паривашларга султонсан, гулм, Ментадурсан, пайкарим, ёлмон қадар.

Ошиқ Эркин шеър битар шаънинга шўх, Ҳам ўзи айлар қўшқич имкон қадар.



Бизни соғинтирган ўлларлар. Айтишулар, қувноқ лапарлар. Айтиб яна қувнар ўғлонлар.

Қайтди париўлар, дилбарлар — Ўзигига қайтди Туроним. Ўзига бек, ўзига хоним...

С. МАҲКАМОВ сурати.

ХУШҲАБАР

Салом йўллабди маҳваш Менга боди сабадан,

Еқимлидур бу музда Бунбул қилган наводан.

Бир меҳру шафақат туйдим, Олий бу ҳис магарам,

Имдод бўлган ўхшайдур Улга арши аълодан.

Осмон қадар етмасини Ошиғи зорнинг боши,

Етса бу янглиғ пайғом Дур янглиғ дилрабодан.

Рухимда жилва қилмиш Юз рангда нурафонлиқ,

Бундайиқ шавқ таралимас Ҳатто оҳанрабодан.

Нур сочмоқ илмин офтоб ўрганса, ажаб эрмас,

СПОРТ

ОММАВИЙЛИК ЙЎЛИДА

ОЛТИНҚЎЛ. Ибн Сино номли 19-мактаб ўқувчиларининг спорт соҳасида эришган ютуқлари районда кўпчиликка маълум. Мактабда шахмат, шашка, енгил атлетика, қўл тўли қабил тўғараклар мунтазам ишлайди. Мазкур тўғараклар-

да 160 нафардан ортиқ ўқувчи ўз спорт маҳоратларини ошириб бормоқда.

Еш спортчилар 1991 — 1992 ўқув йилида қувноқли ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, мактаб шашкачилари район чемпиони бўлишди.

Ўқувчилардан Л. Дормонкулова, Ш. Шокиров, Ф. Маллаевлар район терма командаси сафида вилоят

мусобақасида қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Мактабда спортнинг қўл тўли турига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам мактаб спортчилари бир неча йиллардан бери район чемпиони бўлиб, вилоятда район шарафини ҳимоя қилиб келишмоқда. Бу йилги ўқувчилар спартакиадада улар ви-

лоятда иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Мактаб қўл тўли командаси вилоят мусобақаларидан ташқари, Ўрта Осиё республикалари турнирларида ҳам қатнашиб келмоқда. Бунда мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси, ўз ишнинг жоқурачи Исмомилжон Аҳмедовнинг хизматлари катта.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ТЎҚНАШУВ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Илондан ваҳималироқ жонот йўқ деб юрардим. Аёлер тулки олдида у иш оғлас экан.

Ҳужалигимиз боғида ги лос герардик. Токзорда бирдан шатур-шутур этган товуш эшитилди қолди. Ҳаммаиз ўша томонга югурдик.

— Даҳшат! — қичқириб юборди Рўзи.

Бир тулки, икки илон. Илонлар гавдасининг аршини ердан кўтариб олиб, тулкига ҳужум қилапти. Илоннинг бири билладан йўғон, икки метрлар бор. Иккинчиси ундан сал past, нигачароқ. Лекин иккови ҳам бўйнини шшириб, қўзлари ёнганча тебраниб турибди.

Тулки бир сакраб нариги томонга ўтди. Йили тезлигидаги шу ҳаракатдаёқ, у катта илонни бўлиб ташлаган экан. Унинг боши ерда ўйнар, узун танаси бўлса қип-қизил қонга бўялиб қолганди. Аммо иккинчи илон олдинги қиёфада тулки билан юзма-юз тебраниб турарди.

Биз эса бир-биримизга жипслашганча, қўрқувин ҳам унутиб, бу ваҳимали томошани кузатаялмиш.

Рақиблар бир-бирдан кўз узинмайдилар. Илон янада шшириб, сирли вишилдади. Тулки бўлса бир хилда тивч турибди. У думини бир қимирлатди-ю, олдингидек ҳаракат билан иккинчи илоннинг ҳам бўйнини узиб ташлади. Сунга ўта тезлик билан икки илоннинг лора-лора бўлган вужудини лўқдалаб тишлади-да, жуфтаник ростилади...

— Қойил! — деганча ёна ушлаб, жон ағинидаги бу тўқнашувдан лол эдик.

Жаббор ХАЛИЛОВ, Қашқадарь вилояти Шаҳрисабз районидagi Мичурин номи 39-ўрта мактаб директори.

ХАНДАЛАР

— Ходимларин олдида обрўйинин қандай билсам бўлади? — сўради ёш бошлан.

— Тўй қилинг ён курортта боринг, жуда бўлмас бир оз касал бўлиб ётинг, — маслаҳат берди тажрибали бошлиқ.

— Доим мени «ёмонсан», дедирасиз. Бир ёстигда бош қўйганимизга ҳам ўн беш йил бўлибди. Сиз узун наҳот бирон кун ҳам яхши бўлмаган бўлсам? — деди хотин навбатдаги жанжалдан сўнг.

— Нега энди, уйланмасиндан олдин яхши эдинг.

Муҳиддин ОТАХОНОВ.

Бош муҳаррир Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси касаба уюшмаси Қоракандиёстон Республикаси қўмитаси раиси муовини Рустам Абдураҳмоновчи Абдураҳмоновга отаси

Абдураҳмоновнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Саломатхон ҲАСАНОВА.

ЎШИГМАЛИК ДЕМАНГЛАР

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ!

«Маърифат» рўномасининг 1992 йил 20 июнь сониде эълон қилинган ўрта умумтаълим мактабларида «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Диншунослик асослари», «Жамиятшунослик» (инсон ва жамият) фанларидан ўқув қўлланмаларини яратиш учун эълон қилинган кўрик-танловнинг мuddати шу йилнинг 15 декабригача узайтирилади.

Республика ўқув-методика маркази.

УЗУН СОЧЛИ ҚИЗЛАР БОР...

— Бовим айлаиб кетяпти, тездорк ётоғинга олиб бор мени, эрталаб жўнатиб юбор қишлоғимга, сомон хидли уйларимни, сочини қаттиқ билан ювган қирқ қоқил қизларини соғиндим...

— Бувижон, ўзингиз кечганига келдингиз, у ёқ-бу ёқни томоша қилдирай, кейин ўзим олиб бориб қўйиб келаман, деса ҳам «йўқ, кетаманга тушди кампир.

Етоқхонада ҳам кампир таҳоратим синмасин, деб ўтириб чиқди, замонанинг қизу аёллари шунчалик ўзгариб

— Майли, мен ҳозир сизга тушунтира олмаيمان. Ўзингиз ўқинингизга олиб бор, ётоқхонаданги бир қўрай, дердиз. Кетаятганимда сизни ҳам бил олиб бораё шахарга. Концертга тушамиз, кейин кўрасиз...

Таътил тугаб, ҳақиқатан ҳам Хумор бувисини Тошкентга олиб келди. Улар «Баҳор» концерт залига киришди. Бузиғи олдинги ўринидан ҳайоли олиб берди. Нозик буви кўзойнаги билан қизларни ро-са томоша қилар экан, «қандай яхши-я, узун лозим, узун

— Бошим қирқ қоқил қизлар сочларини майдалаб ўриб юради. Енидан ўтган ҳар бир одам унга бир ўгирилиб қарайди. Бунинг устига бичиш-тиқишни ўрганияпти.

— Қизик гапларни гапирасиз-да, бувижон. Ахир, ҳали ёш бўлсам. Эндигина инсти-тутга кирдим, институтни битириб оила кўрайдиган бўл-гунимча сочим ҳам ўсиб қо-лади.

Хумор гапни чалғитиш учун чой дамлади-да, ойини жаҳон кулоғини буради. «Баҳор» қизлари ҳиром этмоқда экан.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.